

12-1-2019

## THE EFFECT OF TAX PRIVILIGES ON LOCAL BUDGET REVENUES

O. Meyliyev PhD.

*Tashkent Financial Institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Meyliyev, O. PhD. (2019) "THE EFFECT OF TAX PRIVILIGES ON LOCAL BUDGET REVENUES," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 6 , Article 13.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss6/13>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## **THE EFFECT OF TAX PRIVILEGES ON LOCAL BUDGET REVENUES**

The article analyzes the revenue base of local budgets, as well as estimates the local budget revenues, their composition and the adequacy of local taxes and fees. The article considers the impact of tax incentives on the revenue generation of the local budget of Samarkand region and provides recommendations and suggestions for expanding the local budget revenue base.

**Keywords:** local budget, taxes, tax system, tax privileges, tax revenues, income base, local taxes.

On the basis of the concept of tax policy improvement in the country, large-scale reforms are being implemented to simplify tax legislation, reduce drastically tax burden, strengthen tax revenues of relevant budgets, improve local taxation and tax administration mechanisms.

Most of the budget revenues are generated by taxes. Therefore, it is important the study of the mechanism of tax revenues development in the local budgets of the regions and identification of the existing problems today .

There are a number of systemic problems that impede economic growth, increase business and investment activity, create a healthy competitive environment, as well as, ensure the necessary level of taxes and other mandatory payments.

It is well-known that taxes are the main instrument to stimulate economic development in the modern era of public administration. In addition, it is possible to strengthen the tax incentive function by the local authorities, which can be accounted fully by local circumstances and by enhancing their tax authority.

A number of Uzbek economists have conducted research on the formation and stability of the local budget revenue base, and in particular, factors affecting local budget revenues. In particular, Tashmatov presents a number of measures aimed at increasing tax revenues to the local budget and provide ideas on improving the distribution of taxes between different levels of budgets in the context of local governments' interest in maximizing tax revenues. It also emphasizes the need to improve the regional tax capacity and improve the local tax collection mechanism.

A. Islamkulov proposes to implement a system of optimal distribution of revenue powers and expenditure obligations between the branches of the budgetary system on the horizon of sustainability of local budgets.

We analyze the mechanism of revenue generation of local budgets, trends in their tax revenues and the impact of tax incentives on local budget revenues.

The tax incentives help businesses to expand their financial capabilities. Therefore, it is important to increase the effectiveness of tax incentives in ensuring economic development of the regions.

It is necessary to analyze the current status of tax incentives and their impact on the economy of Samarkand region.

An average of 9.2% of all business entities or taxpayers use tax benefits in Samarkand region.

The article analyzes the mechanism of revenue generation of local budgets, trends in their tax revenues and the impact of tax incentives on the formation of local budget revenues in the case of Samarkand Region.

The tax incentives help businesses to expand their financial capabilities. Therefore, it is important to increase the effectiveness of tax incentives in ensuring economic development of the regions.

It is necessary to analyze the current state of tax preferences and their impact on the economy of Samarkand region.

At present, improving the efficiency of local budgets execution and their utilization require resolution of some interrelated problems. Including:

- elaborating scientifically the mechanism for finding effective ways to increase financial resources of local budgets and strengthening their own income base;

- consistent consolidation and stimulation of local budget revenues;

- ensuring unity of fiscal policy and achieving this consistency in planning revenues and expenditures of local budgets;

- improving the relationship between budgetary units in order to increase their interest in the current situation, when local budgets are granted ample opportunities.

Currently, there are a number of problems with the use of tax incentives. In particular, it is advisable to abolish the widespread use of tax incentives provided that local budgets do not cover local budget expenditures.

It is also important to give the power to local governments to determine independently tax exemptions for local taxes provided that local budget revenues do not cover their own expenses.

## МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТДАРОМАДЛАРИГА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

*Мазкур мақолада маҳаллий бюджетлар даромадлар базаси таҳлил этилган, шунингдек маҳаллий бюджет даромадлари ва уларнинг таркиби, маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг етарлилик даражасига баҳо берилган. Мақолада Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети даромадларини шакллантиришда солиқ имтиёзларининг таъсири таҳлил этилган ҳамда маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар ва таклифлар келтирилган.*

**Таянч сўзлар:** *маҳаллий бюджет, солиқлар, солиқ тизими, солиқ имтиёзлари, солиқли даромадлар, даромадлар базаси, маҳаллий солиқлар.*

## ВЛИЯНИЕ НАЛОГОВЫХ ЛЬГОТ НА ДОХОДЫ МЕСТНЫХ БЮДЖЕТОВ

В данной статье проведен анализ доходной базы местных бюджетов, а также дана оценка доходов местного бюджета и их состав и уровню достаточности местных налогов и сборов.

В статье анализируется влияние налоговых льгот на формирование доходов местного бюджета Самаркандской области, а также даются рекомендации и предложения по расширению доходной базы местного бюджета.

**Ключевые слова:** *местный бюджет, налоги, налоговая система, налоговые льготы, налоговые доходы, база доходов, местные налоги.*

### Кириш

Республикамизда солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси асосида солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ юқини кескин пасайтириш, солиққа тортиладиган объектларни тўлиқ қамраб олиш ва солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш орқали тегишли бюджетлар даромад базаларини мустақамлаш, маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг солиқ маъмуриятчилиги механизмларини такомиллаштириш юзасидан кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бизга маълумки бюджет даромадларининг асосий қисми солиқлар ҳисобига шаклланади. Шундай экан ҳудудлар маҳаллий бюджетлари солиқли даромадларини шакллантириш механизмининг тадқиқ этиш ҳамда мавжуд муаммоларни аниқлаш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Бугунги кунда бир маромда иқтисодий ўсишга, ишбилармонлик ва инвестициявий фаолликни оширишга, соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигининг зарур даражасини таъминлашга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммолар, хусусан имтиёзларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш бўйича таъсирчан тизимнинг мавжуд эмаслиги

сабабли соғлом рақобатни таъминлашга салбий таъсир кўрсатувчи, хўжалик юритувчи субъектларни солиқ ва божхона, шу жумладан индивидуал хусусиятга эга бўлган имтиёзлар ҳисобига қўллаб-қувватлаш амалиётининг кенг тарқалганлиги[1] каби муаммоларнинг мавжудлиги қатор тизимли ишларни амалга ошириш лозим эканлигини кўрсатиб турибди.

Маълумки, давлат бошқарувининг ҳозирги даврида солиқлар иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантирувчи асосий восита бўлиб ҳисобланади. Маҳаллий ҳокимият органларининг эса маҳаллий шарт-шароитларни тўлиқ ҳисобга олиш имкониятининг мавжудлиги, уларнинг солиқларга доир ваколатларини кенгайтириш билан солиқларнинг рағбатлантириш функциясини кучайтириш мумкин.

### **Мавзуга оид адабиётлар шарҳи**

Маҳаллий бюджет даромадлари базасининг шаклланиши ва барқарорлигини таъминлаш, хусусан маҳаллий бюджет даромадларига таъсир кўрсатувчи оимлар хусусида бир қатор мамлакатимиз иқтисодчи оимлар илмий изланишлар олиб борган. Жумладан, Ш.А.Тошматов, маҳаллий бюджетга солиқ тушумларини оширишга йўналтирилган бир қатор тадбирларни келтириб, унда солиқларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш тизимини маҳаллий ҳокимиятларнинг солиқ тушумларини максималлаштиришдан манфаатдор-лигини таъминлаш контекстида такомиллаштириш бўйича фикр мулоҳазаларни бериб ўтади. Шунингдек, ҳудудий солиқ салоҳиятни баҳолаш ва маҳаллий солиқларни ундириш механизмини такомиллаштириш зарурлигини илгари суради[2].

А.Х.Исламқулов бюджет тизимининг бўғинлари ўртасида даромад ваколатлари ва харажат мажбуриятларини оптимал тақсимлаш тизимини маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлаш горизонтида амалга оширишни таклиф этади[3].

Ривожланаётган давлатларнинг кўпчилиги инвестицияларни рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзларини қўллаш бўйича дастурлар ишлаб чиққан, лекин биз иқтисодиёт учун қўлланиладиган ушбу дастурларнинг самарадорлигини аниқлаш воситаларини билмаймиз ва уларга эга эмасмиз[4].

### **Таҳлил ва натижалар**

Биз маҳаллий бюджетлар даромадларини шаклланиш механизми, уларнинг солиқли даромадларининг ўзгариш тенденцияларини ҳамда солиқ имтиёзларининг маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришга таъсирини Самарқанд вилояти мисолида таҳлил қиламиз.

Солиқ имтиёзлари орқали корхоналарнинг молиявий имкониятлари кенгайтирилади. Шунинг учун ҳудудлар иқтисодий ривожланишини таъминлашда солиқ имтиёзларининг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Солиқ имтиёзларини амалдаги ҳолатини уларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш ва ўрганаётган объектими Самарқанд вилояти иқтисодиётига таъсирини ўрганиш лозим.

Самарқанд вилоятида мавжуд бўлган жами хўжалик юритувчи субъектлар ёки солиқ тўловчиларнинг ўртача 9,2 фоизи солиқ имтиёзларидан фойдаланиб келмоқда.



**1-расм. Самарқанд вилояти бўйича солиқ имтиёзларидан фойдаланаётган юридик шахсларнинг сони[5], сонда**

Юқоридаги маълумотлардан кўришимиз мумкинки, вилоятда солиқ тўловчи юридик шахсларнинг сони таҳлил қилинаётган йилларда мунтазам равишда ошиб бормоқда. Жумладан, 2014 йилда жами солиқ тўловчи юридик шахслар сони 28974 тани ташкил этган бўлса, 2018 йилда уларнинг сони 44825 тани ташкил этган ҳамда таҳлил этилаётган йилларда 1,5 баробарга ортган. Шундан солиқ имтиёзларидан фойдаланаётган юридик шахслар сони 2014 йилда 4492 тани ташкил этган бўлса, 2018 йилда эса уларнинг сони 593 тани ташкил этмоқда. Маълумотлардан кўриниб турибдики 2015 йилда солиқ имтиёзларидан фойдаланган юридик шахслар сони ортган бўлса, 2016 йилдан бошлаб солиқ имтиёзларидан фойдаланувчи юридик шахслар сони камайиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Самарқанд вилоятида фаолият олиб бораётган юридик шахсларга нисбатан қўлланилаётган солиқ имтиёзларининг амал қилиш ҳолатини вилоятнинг туман ва шаҳарлари кесимида таҳлил қиламиз.

1-жадвал


**Самарқанд вилояти шаҳар ва туманлари кесимида юридик шахслар учун солиқ имтиёзларининг амал қилиши[5], сонда**

т/р	Шаҳар туманлар ва	2014 йил		2015 йил		2016 йил		2017 йил		2018 йил	
		Жами юр. шахс	Имтиёзга эга юр. шахс	Жами юр. шахс	Имтиёзга эга юр. шахс	Жами юр. шахс	Имтиёзга эга юр. шахс	Жами юр. шахс	Имтиёзга эга юр. шахс	Жами юр. шахс	Имтиёзга эга юр. шахс
1	Самарқанд шаҳри	5 873	1 445	6 032	1 596	6 320	704	6 859	606	7 455	196

2	Тойлок тумани	1 606	219	1 780	215	2 433	115	2 566	96	2 266	<b>49</b>
3	Каттақўрғон шаҳри	691	182	658	197	691	81	761	64	917	22
4	Оқдарё тумани	1 252	149	1 442	186	1 853	98	1 935	131	2 019	20
5	Булунғур тумани	2 008	142	2 320	274	3 024	228	3 548	117	3 636	35
6	Жомбой тумани	1 751	405	1 871	206	2 401	153	2 650	147	2 805	30
7	Иштихон тумани	1 584	166	1 980	173	2 909	46	3 201	71	3 456	12
8	Каттақўрғон тумани	1 368	133	1 622	111	2 104	63	2 430	49	2 585	20
9	Қўшрабат тумани	714	103	819	171	988	130	1 099	116	1 267	4
10	Нарпай тумани	1 139	251	1 290	279	1 351	162	1 518	178	1 566	12
11	Пайариқ тумани	1 992	316	2 295	367	2 725	218	3 174	209	3 497	20
12	Пастдарғом тумани	2 549	199	2 721	256	3 128	118	3 365	87	3 673	31
13	Пахтачи тумани	994	140	997	175	1 180	129	1 319	94	1 412	11
14	Самарқанд тумани	1 737	259	1 842	321	2 569	170	2 706	178	2 434	<b>53</b>
15	Нуробод тумани	1 074	118	1 110	141	1 200	55	1 261	32	1 388	7
16	Ургут тумани	2 642	265	2 726	290	3 839	172	4 232	244	4 449	<b>71</b>
<b>Вилоят бўйича жами</b>		<b>28 974</b>	<b>4 492</b>	<b>31 505</b>	<b>4 958</b>	<b>38 715</b>	<b>2 642</b>	<b>42 624</b>	<b>2 419</b>	<b>44 825</b>	<b>593</b>

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики вилоят таркибидаги туман ва шаҳарларда солиқ имтиёзларидан фойдаланаётган юридик шахсларнинг сони 2016 йилгача ортиб бориш тенденциясига эга бўлган бўлса, 2018 йилда уларнинг сони кескин камайган. Шунингдек, 2018 йилда Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатаётган юридик шахсларнинг 196 таси яъни 2.6 фоизи солиқ имтиёзларидан фойдаланган бўлса, Қўшрабат туманида эса жами юридик шахсларнинг 0,3 фоизи солиқ имтиёзларидан фойдаланмоқда. Бизга маълумки сўнгги йилларда солиқ имтиёзларининг қисқартирилиши ва бекор қилиниши ҳисобига худудларда рақобат муҳитининг соғломлашишига ҳамда ўз навбатида маҳаллий бюджетдар даромадларининг ошишига эришиш имконияти пайдо бўлмоқда.

Шунинг билан биргаликда солиқ имтиёзлари ёрдамида давлатимиз иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун капитал кўйилмаларни таъминлаш ва инвестицияларни кенг жалб қилиш сиёсатини амалга оширмоқда. Натижада иқтисодиётимизнинг айрим муҳим тармоқларидаги корхоналарни ишлаб чиқариш жараёнларига янги, самарали технологияларни тадбиқ қилишни жадаллаштириш, маҳаллий хом-ашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш асосида замонавий рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига экспорт салоҳиятини ошириш имкониятлари яратилмоқда.



**2-расм. Самарқанд вилоятида солиқ турлари кесимида солиқ имтиёзларининг амал қилиш ҳолати[5], фоизда**

Самарқанд вилоятида солиқ турлари кесимида солиқ имтиёзларининг амал қилиш ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак асосий солиқ имтиёзлари қўшилган қиймат солиғидан берилган бўлиб, уларнинг салмоғи жами солиқ имтиёзларининг ўртача 57,5 фоизини ташкил этмоқда. Бугунги кунда маҳаллий бюджетларнинг ўз даромадлари ҳисобланган мол-мулк солиғи, ер солиғидан ҳам солиқ имтиёзларининг улуши ҳам ўртача 17,5 фоизни ташкил қилмоқда.

Бизнингча бугунги кунда маҳаллий бюджетларнинг даромадларини шакллантиришда бир қатор муаммоларнинг мавжудлиги ҳолатида, яъни улар харажатларини ўз даромадлари ҳисобига қоплай олмаётган бир шароитда солиқ имтиёзларининг қўлланилиши бироз баҳслидир.

Биз таҳлил қиляётган Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети шаклланиши жараёнига эътибор қаратсак вилоят таркибидаги аксарият туманлар харажатларини бириктирилган даромадлари ҳисобига қоплай олмайди.

Бундай шароитда маҳаллий солиқлар бўйича солиқ имтиёзларининг улушининг сезиларли эканлиги маҳаллий бюджет даромадларининг ошишига салбий таъсир кўрсатиши табиийдир.

2-жадвал



## Самарқанд вилоятида маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг маҳаллий бюджет даромадларидаги улуши динамикаси[5]

фоизда

Т/р	Вилоят, шаҳар, туманлар	ЙИЛЛАР				
		2014	2015	2016	2017	2018
1.	Самарқандшаҳри	8,8	9,5	11,5	13,9	12,8
2.	Каттакўрғоншаҳри	14,7	15,9	19,1	23,2	21,4
3.	Оқдарётумани	12,7	13,8	16,6	20,1	18,5
4.	Булунғуртумани	7,9	8,5	10,2	12,4	11,4
5.	Жомбойтумани	16,0	17,3	20,8	25,2	23,3
6.	Иштихонтумани	18,2	19,7	23,7	28,7	26,5
7.	Каттакўрғонтумани	16,3	17,7	21,3	25,8	23,8
8.	Қўшрабонтумани	19,8	21,4	25,8	31,2	28,8
9.	Нарпайтумани	39,5	42,8	51,4	62,3	57,5
10.	Пайариқтумани	13,3	14,4	17,4	21,0	19,4
11.	Пастдарғомтумани	17,9	19,4	23,3	28,3	26,1
12.	Пахтачитумани	14,7	15,9	19,1	23,2	21,4
13.	Самарқандтумани	16,2	17,5	21,0	25,5	23,5
14.	Нурободтумани	16,6	17,9	21,5	26,1	24,1
15.	Тойлоқтумани	14,1	15,3	18,4	22,3	20,6
16.	Ургут тумани	25,1	27,2	32,7	39,6	36,6
	<b>Ўртача</b>	<b>17,0</b>	<b>18,4</b>	<b>22,1</b>	<b>26,8</b>	<b>24,7</b>

Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети даромадларида маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг улушини таҳлил этганимизда 2014-2018 йилларда ўртача 21,8 фоизини ташкил этмоқда. Таҳлил этилаётган йилларда маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг салмоғининг бирмунча ошиши 2017 ва 2018 йилларда кузатилган. Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Самарқанд шаҳри ҳамда Булунғур туманларида маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг салмоғи анча камни ташкил этмоқда. Бу эса, ўз навбатида Самарқанд вилояти шаҳар ва туманлари кесимида маҳаллий бюджет харажатларини маҳаллий солиқлар ҳисобига қоплаш имконини бермаяпти.

Мамлакатимизни комплекс ривожлантиришда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашнинг устувор йўналишларини амалга оширишда қонун устуворлигини таъминловчи институтлар фаолиятини такомиллаштириш, *индивидуал имтиёзлар бериш амалиётидан тўлиқ воз кечиш*, давлат органлари томонидан келишувлар ва рухсат бериш тамойилларини оптималлаштириш, ўрта муддатли бюджетлаштириш тартиб тамойилларига мос тарзда тадбиркорлик фаолиятига солиқ юқини босқичма-босқич камайтириш, қонунчиликка ўрта бизнес тушунчасини киритиш ва унинг меъёрий-ҳуқуқий асосини ишлаб чиқиш ҳамда унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, давлат иштирокидаги бизнес тузилмаларини ташкил этишни чеклаш, давлат корхоналарида таркибий ислохотларни амалга ошириш орқали уларнинг рентабеллик даражасини ошириш, қимматли қоғозлар ва молия бозорини ривожлантириш, миллий иқтисодиёт миқёсида инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиришни инобатга олиш[6] каби устувор вазифалар белгиланмоқда.

## **Хулоса ва таклифлар**

Ҳозирги кунда маҳаллий бюджетлар ижроси самарадорлигини ошириш ва уларнинг имкониятларидан фойдаланиш бир-бири билан боғлиқ айрим муаммоларни ҳал этишни талаб қилади. Жумладан:

- маҳаллий бюджетларнинг молиявий ресурсларини оширишнинг самарали йўналишларини қидириб топиш ва ўз даромад базаларини мустаҳкамлаш механизмини илмий асосда ишлаб чиқиш;

- маҳаллий бюджет ўз даромадларини изчил мустаҳкамлаш ва уни рағбатлантириш;

- бюджет-солиқ сиёсати бирлигини таъминлаш ҳамда маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларини режалаштиришда ушбу мувофиқликка эришиш;

- маҳаллий бюджетлар ҳуқуқ ва мажбуриятларига кенг имкониятлар берилаётган бугунги кунда уларнинг манфаатдорлигини ошириш мақсадида бюджет бўғинлари ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш.

Ҳозирги кунда солиқ имтиёзларининг қўлланилишида ҳам бир қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, маҳаллий бюджетлар даромадларининг маҳаллий бюджет харажатларини қоплай олмаётган бир шароитда солиқ имтиёзларининг кенг қўлланилишига барҳам бериш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, бугунги кунда маҳаллий бюджет даромадлари ўз харажатларини қоплашга етмаётган бир шароитда маҳаллий ҳокимият органларига маҳаллий солиқлар бўйича солиқ имтиёзларини мустақил белгилаш ваколатини бериш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармони.

2. Тошматов Ш.А. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришда давлат бюджети даромадлари манбаларини кенгайтириш йўналишлари. –Т.: ТДИУ, 2017 й.

3. Исламқулов А.К. Маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш масалалари.// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2016 й.

4. The economics of tax incentives to encourage investment in less developed countries Dan USHER\* Queen’s University, Kingston, Ontario, Canada Journal of Development Economics 4 (1977) 119-148. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0304387877900207/first-page-pdf>.

5. Самарқанд вилояти Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари.

6. Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси. <https://regulation.gov.uz/ru/document/10120>.

7. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)- Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси сайти.